



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN
CHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОИЙ ГАЗЕТА

№ 34 (4536)
2019 ЙИЛ 23 АВГУСТ

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН — МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

Мустақиллик шарофати билан ўтган йиллар мобайнида Ватан дея аталган улуг кошонога мустақкам пойдевор қўя олдик. Ҳар биримизнинг шу Ватанга фидойилигимиз, меҳру муҳаббатимиздан келажакда бу муқташам кошонанинг устунлари бунёд этилажак.

Муболағасиз айтиш мумкинки, ўтказилаётган ислохотлар, янгиланишлар юртдошларимиз ҳаётини тубдан ўзгартирмоқда, муҳими, инсонлар бундан амалда кўрмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож қанчадан — қанча оилаларга уйлар берилган, ҳар бир масалада, биринчи навбатда, аҳолининг манфаатлари ҳисобга олинаётгани юртдошларимизда эртанги кунга бўлган ишончини мустақкамлаётди.

Жаҳон аҳли кейинги йилларда Ўзбекистонда бўй кўрсатаётган ўзгаришларни кўриб-кузатиб ҳайратга тушаётгани, ҳолис эътироф этаётгани ҳам ҳақиқат. Ислохотларнинг асосий мақсад-моҳияти халқимизнинг ўз ҳаётини мамнун бўлиб яшашни таъминлашдан иборатдир.

Бундай эзгу мақсадга эришиш учун эса “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” деган гоя асосида жамиятимизнинг маънавий ва мафкуравий негизларини янада мустақкамлаш бўйича олдимизда долзарб вазифалар турибди. Айни вазифалар ижод аҳлидан ҳам чинакам фаоллик намунасини кўрсатишни тақозо этади.

Президентимиз жорий йилда иккита муҳим ҳужжат — 8 апрелда “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий гоани ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”-ги фармойиш ҳамда 3 май куни “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарорни имзолади. Мухтасар айтганда, жамиятимизнинг эртага қандай бўлиши, унинг келажак, аввало, ўзимизга боғлиқ. Фуқаролари ҳар томонлама озод, эркин ва фаровон яшайдиган давлат ва жамиятни қура олсаккина, қўзланган мақсадга эришамиз.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қахрамони,
Халқ шоири

ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК

Ўн гулингдан бир гулинг очилмаган дердилар,
Йўлларингга сочқилар сочилмаган дердилар.
Ўн гулинг ҳам чараклаб очилди-ку, ох, юртим,
Йўлларингга зар-қумуш сочилди-ку, ох, юртим.

Ўзбекистон — ягона Ватан учун яшайлик,
Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.

Айтмасинлар ганимлар, қимларгадир зор бу юрт,
Буюк Соҳибқирони, Алишер бори бу юрт.
Аллоҳ ўзи етказган нийомини асрагай,
Тугрсини, тахтини, исломини асрагай.

Ўзбекистон — ягона Ватан учун яшайлик,
Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.

Кел, азизим, ёнимга, юлдузмисан, оймисан,
Ўзбегимсан ҳаммисан, юпунмисан, боймисан.
Ватандошим, шу тенгсиз Ватанини қўйлашайлик,
Замон келди, бизлар ҳам дунёга бўйлашайлик.

Ўзбекистон — ягона Ватан учун яшайлик,
Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.

Бу минтақа ер ости қонларига бой экани, бу бойликларни халққа хизмат қилдириш зарурлиги, бу ерда яшаётган ҳар бир инсон яхши яшашга ҳақли эканини таъкидлаган Президентимиз Тебинбулоқ қора металлургия қони ва унинг истиқболга алоҳида тўхтади. Бир миллиард тоннадан зиёд захирага эга бўлган қон ҳаммисини қайта ишлаш корхонаси ишга туширилса, бу Ўзбекистонда темирга бўлган эҳтиёжни тўла қондириш экан.

Қорақалпоғистонликлар Давлатимиз раҳбарининг қитоб ўқиш, қитоб мутолааси маданиятини ривожлантириш ҳақидаги сўзларини, бадий адабиёт ҳақидаги ибратли фикрларини жону дили билан тинглаб, қўнғилларига жо қилишди. Айниқса, “Юртин обод қилиш — чинакам ватанпарварнинг иши” деган сўзларини гулдурас қарсақлар билан қутиб олишди.

Қутлуг айём арафасида Президентимизнинг икки қўнғил ташрифи ҳар бир қорақалпоғистонлик учун чинакам байрам бўлди десак, муболаға эмас. Чунки бу ташриф Ўзбекистоннинг муҳим бир минтақасини янада обод қилиш учун ташланган қутлуг қадам бўлди.

УЛУҒВОР ҒОЯЛАР ДАЪВАТИ

Мустақиллик йилларида миллий истиқлол ғояси халқимизнинг миллий тиклашига хизмат қилди. Суронли ғоявий қурашларда қўшимча яради. Халқимизни бирлаштириш, бузғунчи ғоялар моҳиятини тушунтириш.

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги — Миллий юксалиш фазасига кирди. Конституциямизга асосланган, халқимизнинг туб манфаатларига жавоб берадиган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси амалда. Кейинги йилларда эришилган юксак марралар халқимизни бахтли қилишга қаратилган ислохотларнинг самараларини яққол кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун қуч-қудрат манбаи бўладиган миллий гоани ривожлантиришимиз зарур”лиги алоҳида таъкидланди. 2019 йил 8 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий гоани ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиш чиқди. Нима учун? Жавоб аниқ — биз олдимизга оддий эмас, УЛКАН вазифаларни қўйдик. Бунинг учун УЛКАН маънавий энергия керак. Бунга катта қуч керак. Миллий гоа ана шу вертикал-динамика юксалишга етарли қуч ва қудрат берувчи социал капитал, манба бўлиши лозим.

Ривожланган мамлакатларда миллий гоа давлат мақсадларини халқ мақсадларига уйғунлаштириш. “Бир ҳудуд — бир халқ” эътиқо-

дини шакллантириб, мамлакатлар аҳолисини бирлаштирганини, умумий мақсад йўлида сафарбар қилганига мисоллар кўп. Уларнинг аксариди миллий гоа миллий қадриятларга боғлаб синдирилганини кўрамиз. Масалан, “Тарих — синтоизм — конфуцийлик — самурайлик иродаси” қадриятлари негизда япон миллий гоаси ишлаб чиқилди. Одамларга ишонч, рағбат берилди. Мактабнинг тарбиявий ишлар тизими, гоаси ислох қилинди. Уюшган миллатнинг жуда қаттиқ меҳнати ўлароқ дунё “Япон муъжизаси”нинг гувоҳи бўлди.

Хитойда ҳам миллий заминга — Конфуций таълимотига мурожаат қилинди. Конфуций меросидан диний таълимот эмас, балки ахлоқий(хулқ учун) асос сифатида фойдаланади. Ёшлар тарбияси “Она Ватанга хизмат қилиш ва содиқ бўлиш” гоаси асосида ташкил этилди. Ёшларга шахсий ва миллий манфаатларини уйғун тутиш ўргатиб борилди.



БУ ЕРЛАР ОБОД БЎЛАДИ

Энг улуг, энг азиз айёмимиз — Мустақиллик байрами арафасида Ўзбекистон Президентининг Қорақалпоғистонга ташрифи бу заминда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар қисқа вақтда ўз самарасини беришига, юрт ободлиги, халқнинг турмуш фаровонлиги ошишига бўлган ишончини янада мустақкамлади.

Орол муаммоси ҳақини ярим асрдан буён барчани ўйлантириб келётгани сир эмас. Президентимиз ташаббуси билан бу ҳудудда бунёдкорликнинг бошланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо бор-йўғи саккиз ой ичида амалга оширилган ишлар қорақалпоғистонликлар, айниқса, мўйноқликларни хайратда қолдирганига гувоҳимиз. Турли миллат вакиллари тотув ва иноқликда яшаётган Мўйноқда бундай муқташам ва замонавий иншоотлар қурилишини ҳатто тасаввур ҳам қиёласиз. Бир мўйноқлик менга: “Бугун Мўйноқда денгиз туби қумидан бошқа ҳамма нарса янгиланди”, деди. Дарҳақиқат, Мўйноқдаги ўзгаришларнинг қўламли низоҳатида қатта.

Ўтган асрда Мўйноқда битта консервалаш комбинати бўлиб, у ҳам 80-йилларда қасодга учраган ва кейинчалик бу ерда биттаям корхона қолмаган эди. Эндиликда Мўйноқда тўқимачилик фабрикаси ва йилгича бир неча минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган балиқ консерва комбинати ишга туширилди.

Орол денгизининг қуриган тубидан кўтариладиган қум тўзонларини тўсиш мақсадида жорий йилда 500 минг гектардан зиёд ерга саксовул қўчатлари экилди. Келгуси йил бун-

дан-да кўпроқ саксовул экиш режалаштирилади.

Бепойн Ўзбекистонимизнинг энг чекка ҳудуди Мўйноқда катта бунёдкорлик ишларининг олиб борилиши бежиз эмас, албатта. Президентимиз Мўйноқ халқи билан учрашувда бу ҳудуд шундай ривож топиши зарурки, бу бошқаларга ўрнак бўлиши керак, деган фикрни илгари сурди. Давлатимиз раҳбари “Маданият Мўйноқдан бошланиши керак” деган фикрни бир неча бор такрорлади.

Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари билан учрашувда бу ҳудудда ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар кўп эканини мухтарам Президентимиз бизга яна бир қарра эслатди. Масалан, Тахтақўпир туманида бир миллион икки юз минг гектардан зиёд яёлов бўлиб, шунинг деярли ярмидан ҳам фойдаланилмапти. Асосий муаммо сув танқислиги. Тумандаги мавжуд бир юз элликдан зиёд артезиан қудуқларининг ҳаммаси таъмирланиб, ишга туширилса, 400 минг бошдан зиёд чорвани боқиш мумкин экан.

Қорақалпоғистонда ҳар йили сув муаммоси туғилишини ҳисобга олиб, Президентимиз минтақада сув омборларини қуриш таклифини илгари сурди. Шўрбулоқ, “Междуречье” ва бошқа қўлларда бир неча миллиард кубометр сувларни ҳар йили сақлаб туриш ва керакли пайтда ундан фойдаланиш Қорақалпоғистонда пахта, шолі етиштириш самарадорлигини ошириш ва чорвачиликни янада ривожлантириш имкониятини беради.

ҚЎҚОН ҲУНАРМАНДЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ



INTERNATIONAL FESTIVAL
OF HANDCRAFTERS
KOKAND - 2019



чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, “Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

10 — 15 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, “Ҳунарманд” уюшмаси, Ўзбекистон Бадий академияси ва Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Қўқон шаҳрида “Халқаро ҳунармандчилик фестивали” бўлиб ўтади. Унда хорижий давлатлардан маҳоратли ҳунармандлар, амалий санъат усталари, мутахассислар, сайёҳлар иштирок этишади.



Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигининг энг қадимий турлари, анъаналари, ўзига хос услуб ва мактаблари сақланиб қолган кам сонли мамлакатлардан бири сифатида алоҳида ўрин тутди. Юртимизда миллий

ҳунармандчиликни ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, Президентимизнинг “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш

Қўқон Самарқанднинг юраги бўлмиш қадим Регистон майдонида 1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ўн иккинчи марта дунё мусиқачилари ва хонандаларига, санъатшунос ва санъатсеварларга қучоғини кенг очилишга саноқли қўнлар қолди. Фестивалга тайёргарлик ишлари охирида. Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида бўлиб ўтган Матбуот анжумани айнан шу масалага бағишланди.



САМАРҚАНД ЁҒДУСИ

— Ҳар галгидек фестиваль пойтахтимиздан бошланади, — деди ўз сўзида Маданият вазири Б.Сайфуллаев. — Яъни биз барча меҳмонларни Тошкентда кутиб олиб, кейин Самарқандга йўл оламиз. Самарқанд бугун 78 дан зиёд мамлакатдан ташриф буюрадиган 239 катнашчини ва меҳмонларни кутиб олиш тарадлуди билан яшапти. Бундан ташқари, ўн учта давлатдан ўн тўққиз нафар олим, еттига давлатдан ўн икки нафар фахрий меҳмон катнашиш истагини билдирди. Эътибор берган бўлсангиз, бу галги фестивалда ўтган йилга нисбатан анча кўп давлат катнашиши кўзга тутилмоқда. Бунинг сабаби, шубҳасиз, Президентимиз ташаббуси билан юртимизда кенг миқёсда ўтказилаётган мақом, бахшилар, фольклор ва шу каби халқаро фестивалларнинг амалий натижасидир. Бу йилги ангиллардан бири шуки, танлов иштирокчиларининг чиқишлари икки йўналишда — профессионал халқ мусиқаси ва қўшиқлари ҳамда анъанавий йўлда ижод қилинган замонавий мусиқа ёки қўшиқ йўналишларида баҳоланади. Танлов чиқишларини етти кишидан кам бўлмаган халқаро ҳакамлар ҳайъати бошқариб боради. Бу йилги фестивалда тўртта — Мьянма, Аргентина, Шри-Ланка, Фиджи ороллари каби давлатлар илк мартаба иштирок этади. Ўзбекистондан эса ҳозирча ўн тўртта талабгордан тўрт киши саралаш босқичидан ўтган.



БАШАН МАНЗУМАСИ

Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Қахрамони,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири

Кўнгил кўнгилдан сув ичар

Кийиклар сув ичар сойдан,
Ғоз-ўрдак қўлдан сув ичар.
Одамнинг кўнгли-чи, қайдан?
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Кўрдим оқ қуш ўйинларинг,
Толма нозик бўйинларинг,
Соғингандай ошиқ ёринг,
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Отлар кишнар кўкни қўзлаб,
Чарх урар уюрин излаб,

Кўйлар маъраб, бўта бўзлаб
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Дарёлар денгизга ошиқ,
Ошиқар мавжлашиб тошиб.
Йўллар йўлларга тутшиб,
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Дўст дийлори - улуг давлат,
Жонга озиқ ширин суҳбат,
Чўлга-баҳор, гулга хурмат,
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Осмонга сер солиб боксам,
Юлдузлар сирлашар оқшом,
Булоқ бўлиб қайнаб оқсам,
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Дунёнинг қай қунжагида,
Юрсак ҳам бир бурчагида,
Яшармиз дил соғинчида,
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Олисадаги Аскар тоғлар,
Интиқ бўлиб тортар оҳлар,
Учрашмоққа ўзин чоғлар,
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Фикр этгин инсон боласи,
Ёмондир кўнгил оласи,
Одам одамнинг қалъаси,
Кўнгил кўнгилдан сув ичар.

Эркин ВОХИДОВ,
Ўзбекистон Қахрамони,
Халқ шоири

Ватан истаги

Бу ватанда бир ватан
Қурмоқни истайдир кўнгил,
Ўзин озоқ қуш каби,
Қурмоқни истайдир кўнгил.

Бу Ватан тимсоли бўлса
Тонг қўёши шуълавор,
Шуълалар кўйинда чарх
Урмоқни истайдир кўнгил.

Бу ватанга байроқ — инсоф,
Туғи сарҳад, муҳри — меҳр,
Сарҳад узра соқчидек
Турмоқни истайдир кўнгил.

Ким бу тупроқ қадрин истар
Айламоқ тупроққа тенг,
Кўзига тупроқ билан
Урмоқни истайдир кўнгил.

Ул Ватан елканларини
Маърифат уммонида
Қиблаи имон сари
Бурмоқни истайдир кўнгил.

Бас, етар ёлғон саодат,
Ёлғон эрк, ёлғон ватан,
Хуррият завқини чин
Сурмоқни истайдир кўнгил.

Қутлуг истиклол қунида
Эй Ватан, бағрингда шод,
Эркин ўғлонинг бўлиб
Юрмоқни истайдир кўнгил.

Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

Болаларим,
қадри кўтаринг!

Ўтган қора қунлардан
хали-хануз қарахтман,
Хар япроғи юракдай
титраб турган дарахтман.
Шу ҳолда ҳам олдинга
ташлангучи тик шахдман,
Болаларим, қадри кўтаринг!

Текинхўр аталдингиз,
бу ҳўрлик мени еди,
Муштумзўр аталдингиз,
бу зўрлик мени еди.
Бу қарлик мени еди,
бу қўрлик мени еди,
Бошимдан тухматни кўтаринг!

Тушларимда Тумарис
юраклари узилиб,
«Туёқларим тўзди» деб
ийлайверар эзилб,
Сўнг тонгача уйку йўқ,
Чап қўқракни тиг тилиб,
Кўксимдан бу доғни кўтаринг!

Бобо Темур уйқуда,
Темурларим, Сиз туриб,
Қўзғолган етмиш йилки
томирларим, Сиз туриб,
Ишонган хоқонларим,
амирларим, Сиз туриб,
Хокисор миллатни кўтаринг!

Қалбағ экин. Қалим турк
чинорлари тиклансин,
Қон-қардошнинг чин дўсту,
чин ёрлари тиклансин.
Хар юракда бир Турон
минорлари тиклансин,
Улуг мамлакатни кўтаринг!

Мухаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири

Ўзгори дил

Кўхна тўл бешикдан
Бошланган олам,
Сенга иддаолар
Қилмай севаман.
Бир қуни синглим деб,
Бир қуни онам —
Ватан,
Кимлигингни
Билмай севаман.

Тўзгиди тўнингдан
Тортган тўралар,
Кеча тузингни еб,
Сотган тўралар.

Энди пушаймонда
Туйнук мўралар —
Мен сени ёнингдан
Жилмай севаман.

Менга еринг суюқ,
Осмонинг суюқ,
Боксам, тенг тўрттала
Томонинг суюқ.
Товонимга қирган
Тиконинг суюқ.
Кафтдан зирапчанг
Хам олмай севаман.

Чўксанг,
Тур синглим деб
Сочинг силайман,
Сўксанг,
Опам дейман,
Умринг тилайман.
Сендан ранжимайман,
Гина қилмайман,

Хох ҳўмрай,
Хох жилмай
Бирдай севаман.

Ватан — юрагимнинг
Олампахои,
Бу дунё
Букри бир
Жийданинг шохи.
Кўзим ёши билан
Сўғориб гоҳи,
Кўксимда ўстирган
Гулдай севаман.

Бу ёруғ жаҳонда
Йўғу боримсан,
Тилимнинг остида
Новво, заримсан.
Сен менинг ягона
Пайғамбаримсан,
Мен Билол,
Мен ҳабаш,
Қулдай севаман.

Ахмад АЪЗАМ



Эски шаҳарнинг эски бир ҳовлисида
тураман.

Дўппидек ҳовлича, ёзув-чизувим билан
унга сийма, тепага — болохонага чиқиб ол-
ганман; деразадан фақат томлар, томлар
орасидан бошини чиқарган дарахтлару он-
да-сонда учиб ўтган қушлар кўринади; офтоб
нури тўғри мен ёзадиган қозғоларга тушади,
кўзимни камаштиради; шовқин йўқ, ҳамма-
ёқ оёсийишта — сенга нима етишмайди, иста-
ганингча тўйиб-тўйиб ёзмайсанми, дейман
ўзимга.

Лекин ҳеч кўнглим тўлмайди, нимага-
дир бўм-бўш; болохонага чиқиб олган бўл-
сам-да, пастда рўзгоримдан баландда эмас-
ман, турмуш ташвишлари худди кўрдан уч-
ган курумдек келиб қозғоларим тушаверади —
ёзганларимда майда-чуйда кўп, баландлик
йўқ.

Осмон тоза, офтоб ҳамишагидек ча-
раклаган бир кун эди, деразадан қараб шу-
ларни ўйлаб ўтирган эдим, бирдан томлар
кўзимга бошқача кўриниб кетди: ҳаммаси
туташиб, бир-бирига қиғини тираб, пастда
яшаётган оилаларнинг аҳил ё арашлаган-
нига қарамай, келишувчиллик билан яста-
ниб, куёшининг нурида биргалашиб исина-
ётгандек туюлди: мисоли эрта қўқламда
офтоб-шувокқа ёнбошлаб, ундан-бундан
иноққина гурунгу қурган, олтовлон ола бўл-
маган оғанилардек... Бир-бирининг шу
дунёда борлигидан, қаторлари қамаймаган-
дан қувониб, шу қувончларини хангома-
лашиб ўтирган, ҳали ҳам забардаст, ҳали
ҳам чорпахил чоллардек... Хуллас, бир-
бирини кўрса, юзи яшнаб кетадиган одам-
лардек...

Дарахтлар ҳам томлар орасидан бўйинини
чўзиб, шамолда аланглаганча, бир-бирдан
ҳол-аҳвол сўраётгандек кўринди.

Яна бирдан бирига нур ўтаётган қуват-
симларнинг томлар бошини қовуштириши;
кечаси ҳовлиларнинг бирида чирок ўчса, ҳам-
маси зимистон ичида қолади; ёруғ оқиб келса,
баравар бўлашиб олади...

Ҳозир ҳаммасининг тепасида чарақлаёт-
ган битта куёш, баланд- баландларда кўкиш
товланаётган ягона осмон!

Томлар бир-бирига соя ташламайди, ос-
монни, куёшни бир- бирдан қизғанмайди;
бўғотларда жой таллашиб чиркиллашаётган
чумчуқларнинг қушқовлигига бепарво. Гўё
томлар аҳил, атроф тинч бўлиб, ташвишлан-
диган қаттароқ гап топилмаганидан зериккан
чумчуқларга майда-чуйдадан бошқа ташвиш
қолмагандек...

Юксаклардан ўтиб қолган катта қушлар
томларга соқчи, осмоннинг кўкрагига расм
чицаётган қалдирғочлар — хабарқаш...

Бу кўринишда...

Эҳ! Айтиб беролмайман.

Шу ўтирган жойимда, болохонам, ҳовлим,

римга сиймаётган жуда катта, чексиз-чега-
расиз манзаранинг бир бўлаги, бир парчаси,
холос, деб ўйлабман.

Бу — тириклик, мен ҳам унинг ичида ти-
рикман: шулар бўлмаса, мен бўлармидим!

Ғалати бўлиб кетдим. Мен бу манзара-
нинг ўртасида ўтирибман, агар ҳозир боло-
хонам томига чиқиб, чор-атрофга назар сол-
сам, ҳаммаёқда шу манзаранинг парчалари-
ни кўрар, худди ҳадсиз-худудсиз, яшноқ ги-
ламнинг ўртасида, унинг рангларидан кўзи
камашиб, унинг чексизлигидан ақли шошиб
қолган чумолидек, анқайиб тураверар эдим.

Кўнглим орзиқиб, қани эди-я, шуларни ёз-
сам, деб ўйладим. Ичимдаги шу туйғуларни
қозғога туширсам: ёзганларимни ўқиганлар
уларда шу томларни, дарахтларни, осмонни,
офтобни ва шу устивор кенгликка қараб қу-
вониб ўтирган ўзимни ҳам кўришса, ўкиётиб
менга ўхшаб қувонишса...

Э, шоир эмасман-да! Агар шоир бўл-
ганимда!

оламга кириб-чиқилдиган эшик очилса уй
бўлади;

уйнинг деразаларидан осмон оқиб кира-
ди, агар уйлар бирлашиб турса кўча, қўчалар
бир-бирига уланса — кишлок бўлади; киш-
локнинг йўллари бошқа киш-
локларга оқиб чиқади;

агар кишлоклар қўшилиб,
томлар бир-бирига қиғини
тутса, чорраҳаларда бошини бошига тираб
қўчалар гурунгулашиб ётса — шаҳар бўлади;
шаҳарнинг уйлари офтобга қараб ўсаверади,
йўлларидан яна-яна кишлоклар оқиб кела-
веради;

агар шаҳарлар, кишлоклар, далалар, қир-
лар, яйловлар, саҳролар, қўллар, тоғлар,
дарёлар уйлари, дарахтлари, ўт-ўлани, сув-
лари, тупроғи, тоши, шамоллари, жонзотла-
ри ва одамлари билан битта куёш, ягона ос-
мон остида бирлашиб кетса — Ватан бўлади
— қа-атта!

Бу тирик ҳақиқатни ўзимча шундай ан-

ёшим қирққа бориб ҳам, ҳалиям боладай эр-
калик қилиб юрсам, ярашмас-ов, деган анди-
шага бордим.

"Ватан, сен — уйлар бир-бирини суяйди-
ган, йўллар бир-бирини улайдиган, қўшиқлар
бир-бирини тинглайдиган, сувлар
бир-бирини излайдиган, мақсадлар
бир-бирини сизлайдиган бузуқ маъ-
восан, лекин юрагимга сийсан", деб

ёздим, тузукка ўхшади, аммо шеър бўлмади.
"Ватан — мен сенинг..." деб ёзаётиб шарт-
та тўхтаб қолдим: боядан бери Ватаним таъ-
рифлайман деб, нукул ўзимни тикиштирип-
ман экан; худди Ватан ҳаммамизники эмас,
битта меникидек.

Кейин "Ватан — онамиз", деб ёздим, лекин
кишлокдаги онамнинг ҳолидан хабар ололма-
ганимга икки ой бўлгани эсимга тушиб қолди,
онасига бепарво одам, қандай қилиб Ватан —
она ҳақида оғиз тўлдириб гапираман, деб ўй-
ладим.

Бошқа ёзолмадим, ўйлайвердим, ўйлаган-
ним сари Ватан катталлашиб, ўзим кичрайиб
боравердим...

Қарасам, қозғога термилганча, қаламни
қийнаб, фақат бир сўзни шивирлаб ётибман:
"Ватан", "Ватан", "Ватан..."

Шу сўзни товушимни чиқариб, баралла ай-
тиб юбордим.

Айтдим...

Бирдан дераза кенгайиб, осмон ёнимга
қелди, ўзим куёшининг ёнидан жой олдим...

Уша ёқдан туриб Ватанга қарадим: том-
лар томларга, йўллар йўлларга улашган, ки-
шлоклар қўл ушлашган, тоғлар оқ қалпоқли
бошини қўққа тираб, ҳа, шунақа баландмиз,
деб туришибди, ўрмонлар нафасида тозалан-
ган ҳаволарни шамоллар одамларга ташиб
кетяпти, шамолларнинг шаффоф оқимларида
қушлар чўмилиб юрибди, одамлар бир-бирла-
рига қараб бош иргашяпти, саломлашишяпти
шекилли, яхши нарсаларни маъқуллашяпти
шекилли, — буларнинг ҳаммаси кўнглимда
бўляпти экан!

Алқисса, шундай: одам Ватанинги англаши
учун доим уйда ўтиравермай, сал баландроқ
жойга, осмонга бўлмаса ҳам, ҳеч қурса, уйи-
нинг томига чиқиб чор-атрофга узок-узок ти-
килиши қифоя.

Аввал ўзига қараб...

Агар унинг кўнгли ойна бўлса...

Бу ойна тоза бўлса...

Шоирлик қилолмаганимга шу таскин бўлди.
Энди билмадим: ёзишимнинг буёғи қан-
дай бўлар экан?

Бу туйғу ярим давлатми ё бутунми?

ОСМОН ЁНИМГА ТУМДИ



қозғоларим билан бирга, ўзим ҳам шу кўри-
нишнинг бир бўлаги эканман; кўриб туриб-
ман, кўрганларимни уқяман: ҳали бу ҳам-
маси эмас, кўз олдимдаги кўриниш тасавву-

Лекин шоирларга ўхшаб ҳаяжонланиб кет-
дим. Ҳаяжонимни ёзмоқчи бўлдим, майли-да,
шеър бўлмаса ҳам, кўнглимга яраша:

агар тўрт деворни битта томга жуфтлаб,

гладим: Ватан кўз олдимга қелди, рўйирост
кўринди, унинг бағрида ўзимни ҳам кўрдим:
кичкинагина ҳовлимнинг устида қўндирилган
каптархонадек болохонада ўтириб-учиб, Ва-
танимнинг поёнсиз суратини ойна-кўнглимга
сийдиришга уриниб турган ҳолимда унга қў-
шилиб- бирлашиб кетган эканман.

Мен Ватаним берган бошпанада яшаб, у
берган неъматлардан жон, ҳавосидан нафас
олиб ўтирган эканман.

Зувалам ҳам унинг тупроғидан, қариб-чу-
рисам ҳам шу тупроққа қайтаман!

Хатто шу гапларни ёзаётган қозғоларим
ҳам Ватанники — унинг ўрмонларида ўсган
огочлардан олинган экан. Мен эсам шу пайт-
гача бу қозғоларга ким қайдаги майда-чуйда-
ларни тўкиб...

Энди шукронамни шеърга солмоқчи бўл-
дим.

"Ўх-хў, қанчалар бепоён экансам, Ва-
тан!" — деб ёздим, қуруқ гап бўлиб қолди; Ва-
танга қуруқ гап айтиб бўлмас экан.

"Қазбамсан, Ватан!" — деб ёздим, лекин
ўзим Ватанимнинг қок бағрида — пойтахтида
ўтирибман, чор-атрофим — Ватан, унга буки-
либ сажда эмас, елиб-юғуриб хизмат қили-
шим керак, деб ўйладим.

"Эрка ўғлинман, Ватан", деб ёздим, аммо

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 125 ЙИЛЛИГИ

Бутун юртимизда, жумладан, пойтахт Тошкентда йил бошидан буён кечаётган катта ўзгаришларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Шундай бунёдкорликлар қаторида бугунги кунларимиз, адабиётимиз учун жон фидо қилган буюк адиб — Абдулла Қодирий уй-музейининг қурилиши тарихий воқеа сифатида дарж этилиши шубҳасиз.



Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 декабрдаги «Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги» фармойишига мувофиқ, 2019 йилда ёзувчи яшаб ижода қилган манзилда уй-музейи ташкил этилиши, ижодий мактаб, кутубхона барпо этилиши, ижодкорнинг хайкали ўрнатилиши режалаштирилган. Ушбу қувонарли ишлар жорий йилнинг октябрь ойида Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллигини мамлакат миқёсида кенг нишонлаш тадбирларига улашиб кетиши кўзда тутилган.

Айни кунларда «Самарқанд дарвоза» кўчасидаги 36- ва 37-уйларда Абдулла Қодирий уй-музейини

АДИБ ШИЙПОНИДАГИ ДАРС

лойихалаш ниятисига етиб, қурилиш ишлари бошланди. Улуғ адиб туғилиб ўсган тарихий манзилда бугун катта ўзгаришлар нафаси кезмоқда. Маҳалла ахли, қолаверса, халқимиз бу кунларни узок йиллардан буён кутмоқда эди. Абдулла Қодирийнинг хайкали, уй-музейини бунёд этиш масаласи турли йилларда кайта-кайта кун тартибига қўйилган, лекин охирига етмай келаётган эди. Пойтахтда осмонлар «сити»лар қад ростлаётган айни вақтда Абдулла Қодирий уй-музейи бунёд этила бошланишида ҳам ўзига хос ҳикмат бўлса, ажаб эмас.

Самарқанд дарвоза маҳалласидаги бобомерос боғ-хотида бугунга қадар тўққиз хонадон — адибнинг қарийб юз нафар авлоди яшаб келишган. Хукумат қарорига асосан бу масканда қурилиш ишлари бошланиши муносабати билан тўртта оила янги манзилга қўчиб ўтди. Қолганлари ҳам яқин кунлар ичида янги хонадонларга эга бўлишди. Бу ўзгаришлар рози-ризонлик ва шукроналик ила амалга ошаётганидан барча мамун. Боғ-музей ҳудудидagi хонадонда адибнинг набираси, адабиётшунос олим Хондамир Қодирий меҳмон ва табаррук оила чирогини ёқувчи сифатида истикомат қилади.

Бугун Самарқанд дарвоза кўчасидаги қурилиш майдонидан маҳалла фаолларининг қадами узилмайди. Болалик ва ёшлик даврлари кечган кадрлон маскан, ўзлари қўрган файзли боғ манзарасини кайта тиклаш учун бажонидил масалаҳатларини аймайдилар. Йўллар ва тарихий биноларни тиклаш учун уларнинг масалаҳатлари кўл келмоқда. Шу кунгача Қодирий боғи тор кўчалар билан ўралган, ташқаридан қараганда кўрмисиз жойга айланган эди. Улуғ адиб яратган боғ манзарасини аслагандек қилиб кайта тиклаш — масъулиятли вазифа. «Ўткан кунлар»нинг ўзи Абдулла Қодирийнинг музейи, асарларининг ўзи унинг дунёси!», деганди таниқли адабиётшунос олим, профессор Баҳодир Қаримов. Бу ташбех ила у дурдона асарлар дунёга келган табаррук масканини муносиб равишда обод этиш масъулиятига ишора қилади. Дарҳақиқат, ўқувчи адиб асарлари муталаасидан қанчалик завқ олса, уй-музейи зиёратидан ҳам шунчалик мароқли таассурот олиши лозим.

нинг меҳр-шафқати туфайли хонадонга олиб келинган муҳтож кишилар таом еганлар. Аслида бундай ҳусусият буюк адиб табиатидаги саҳийлик, жавонмардлик каби хислатларининг ифодаси. Қодирийнинг меҳнатга ўчилиги, боғ ҳосилини қўни-қўшини ва маҳалла аҳлига тарқатиши, гўзал шийпон бунёд этиши, хонадондан дўст-биродарлари, меҳмон аримаслиги — буларнинг бариси бугунги ёш авлод учун ўзига хос ибрат мактаби бўла олади. Атоқли адиб Музо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ёзганидек, «унинг адабий асарларидан келадиган даромад ҳар доим ҳам қозонини қайнатавермасди, шунинг учун гоҳо бола-чақасини боғи боқарди. Боғнинг ичкарисида бир неча қўти асалари бўларди».

Абдулла Қодирий бандиликда мислсиз қийноқларга баҳодирона бардош берди. У бирор ватандошнинг қоралаб кўрсатма бермади. Ҳолбуки, бошқалар азоб-уқубатларга дош беролмай, ёлгон айбловларга имзо чекишга мажбур бўлганлар. Абдулла Қодирий жасорати ҳар бир миллатдошимиз учун фахр ва ибрат, бекиёс ватанпарварлик мактабидир. Боғ-музейда ана шу руҳиятини акс эттириш катта тарбиявий-маънавий аҳамиятга эга. Бунда адабиёт ҳақидаги суҳбатлардан ташқари Ватанини севиш ва уни обод этиш мавзусидаги ўзига хос «амалий кўргазма» билан танишини мумкин бўлади.

Мана, 1928 йилда Абдулла Қодирий ўз қўли билан бунёд этган икки қаватли шийпонча. Унда Сўфизода, Ойбек, Комил Яшин, Ғафур Ғулом, Садриддин Айний, Абдулла Қаҳҳор, Юсуфжон қизик Шакаржонов, Ҳамид Олимжон, Алексей Толстой, Юнус Ражабий каби ёзувчи ва санъаткорларнинг кизгин суҳбатлари, ижодий бахслари кечган. Шийпоннинг юқори қаватидан адиб ижодхонаси, гўзал боғ манзараси, тарихий Самарқанд дарвоза маҳалласи қафддек намоён бўлади.

Узоқ кутилган адабиёт маскани — Абдулла Қодирий уй-музейи қурилиши бошланди. Ҳадемай бу табаррук зиёратгоҳ эшиклари очилди. Адиб ижоди ва шахси бўйича айtilадиган янги гаплар, қилинажак ишлар ҳали жуда кўп.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ


— Шамолнинг эганини кўрганмисиз, — деб сўрашибди ўзаро суҳбатлашиб кетаётган икки шарқлик донишманддан. Сочларига оқ оралаган ёшроғи дарров жавоб беришга тўтинибди: — Ҳа, кўрганман, кейин, орадан хийла фурсат ўтгач, ҳи қилганман, — дебди. Яна бир зум ўтгач: — Ўша шамолларнинг бешигида катта бўлганман, — деб қўшиб қўйибди. Соч-соқоли оқарган, асо тутган мўйсафидга сўз навбатни келтганда, узок ўйга чўмиб қолибди. — Бу саволни «Инсон нима учун дунёга келганлигини биласизми?», деган маънода тушунаман, — дебди у...

Мўйкалам соҳиби шабадани кўради, қўшқўллаб сўрашади, юз-қўлларини силаб қўяди. Сўз санъаткори эса шабадани ҳи эттибгина қолмайди, яна шивир-шивир гап-сўзларни хайкириклари ҳам эшитилади.

Ҳа, дарҳақиқат, ўн саккиз минг олам сир-синоатларини англашга интиланлиги боисидан ҳам инсон олий хилкат. У дунёю бу дунёси учун, яшаш учун зарурлиги боисидан ҳам ҳаёт азиз, файзли ва фароқли. Гўзаллик, эзгулик, алолат деб аталмиш кўп қадриятларни тирикчилигининг бош аъмолига айлантирган. Сўз деб аталмиш тахерри мўъжизани бошига кўтаради.

«Миллат овози», «Ёруғлуг» китобларини айтасизми, ўқувчилар қўлдан қўймай ўкиб келаётган «Уйку келмас кечалар» романини эслайсизми, барча-барчасида табиат — жамият — инсон меҳварига бирлаштирилган маънавий-ахлоқий масалалар етакчилигини кузатамиз.

Бахт ўзи нима, қандай фазилатлар соҳибини бахтли дейиш мумкин, қандай аломатлар шахс бахтнинг белгилаб беради, ҳамма одамлар бирдай бахтли бўлиши мумкинми; бахтли жамият қанақа бўлади; миллат бахтли деганда қандай хислатлар мажмуи тушунилади: булар — Абдулқаҳҳор Иброҳимов изланишлари мағзини таш-



залирико жамият шевалярини англаш иштиёқи билан эҳтиёжи, билиш зарурияти билан тушунтириш даввати маънавий нафсининг таркибий қисмлари.

ҚАЛБ ВА ҚИЁФА

холатини қандай баҳолаш мумкин?

Идрок — билишнинг қалити; олам ва одам сир-синоатларини, табиат мўъжизаларини қандай баҳолаш мумкин?

Қалб эл-юртда бообур файласуф ооми, масъул вазифада хизмат қилиб келган ва яна хизмат қилиши мумкин бўлган жамоат арбоби. Халқ, Ватан, миллат равнақи йўлидаги фидоий хизматлари уни халққа танитган, ўзи ҳам эл-юрт хурматини ҳар қадамда ҳис этади. Сиртдан қараганда оиладан ҳам тингандек туюлади. Икки ўғил, икки қизи бор. Фақат садокатли хотини таркидунёчиликка берилиб кетган. Бир эшикдан кириб чиқишса ҳам, бир хонадонда туришса ҳам эр-хотин сифатида яшашмайди. Ёқутхон эри ўлиб, уч

Шундай экан, ана шу бахт оstonасига қадам қўйдиган қимсага юкланидиган маънавий-ахлоқий бурм масъулиятини нималардан иборат? Эр-хотин бурчи, оилавий тоғувлик бахтли ҳаётнинг қайси тирақаларига таянади?

Ишонч, покдомонлик, эътиқод шахсий ва оилавий бахтнинг таянч усуллари. Булар — Фахри Камолнинг ярим асрлик ҳаёти бадалидаги кўнглида туғилган ҳулосалари. Ёлгондан ҳазар қилиш, тил ва дилини рибю мунофиқликдан, иккиюзламачиликдан асраш, сабр-қаноат, ҳар икки нафсини тизгинлай олиш, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш, инсоф-имон, виждонни руҳий ҳаётнинг асоси деб билиш одамнинг кўнглини ҳам, юзини ҳам ёруғ қилади. Ёруғлик эса покчилигин бош ҳусусияти. Ва лекин, қоронғулик нурнинг бағрида воёга етади. Узопк тонглор аслида тунлар тандирида озиб олинган нурли қулчалар. Ана шу нур қулчалари — бахт қулдузлари. У ҳар кимнинг кўнгли осмонда порлайди, тунги сўқмоқларини чароғон этади.

Нега инсон ўзини тўла-тўқис бахтли санолмайди? Тун билан тоғ, яхши билан ёмон, эзгулик билан ёвузлик эгиз яшагани, оининг ўн беши ёруғи ўн беши қоронғу бўлгани мисоли бахт билан бахтсизликнинг ҳалдари нисбийми? Романда инсон тирикчилигининг маъноси нимада, деган саволга жавоб излаш жараёнида шахс эрки, руҳий эркилик масаласига алоҳида диққатини қаратади. Балки бахт инсоннинг ҳеч қимга ва ҳеч нимага муте бўлмаган, қарамлик сезмаган эмин-эркин тириклик шеваляриданмикин? Ҳар ким ўзини қушдек эркин ҳис этиши кесксиз ҳурлик аломатими? Ахир, қушнинг қўкдаги парвози осмонларга, ҳаволарга, шамолларга боғлиқ кечади-ку. Бу, қушлар шамол-



ой йўлбарсни нобуд қилганми? Ундай бўлса, ой қандай қилиб йўлбарснинг панжаси остида ётади? Бу саволларга жавоб изламаймиз. Сабаби, булар мантиқли саволлар. Мантиқ билан лирика эса бир-бири билан келишмайди. Лирикадаги сезимдан бўртиб чиқадиган фикрни юракдан ўтказиб, туйғуларимиз билан ҳис этамиз. Ўшандагина унинг бадиийлик дунёсидан лаззат олиб, кўнглимизда уйғонган саволларга жавоб топамиз. Лирикани танлаганда унда ҳар бир сатрининг, сўзининг тағида яширинган фикр борлигини тушуниб етиш аҳамиятли.

Қаҳрамонлик — у қандай кўренишда бўлмасин, инсонда муҳаббат туйғусини уйғотиб, одамгарчилик хислатларини тарбиялайди, кўнглига яхшилик уруғларини сепади. Бадиий асарнинг бош вазифаларидан бири мана шу.

Йўлбарс панжаси остида ўқ қадалган оининг ётгани — бизнинг тасаввуримиздан, ҳаётни бор ҳолича қабул қилишимиздан ташқари ҳақиқат. Бу нима? Қуч билан гўзалликнинг мардлик олдида қурбон бўлишимиз? Бадиий ҳақиқатни очиб беришнинг модернистик усулими? Нима бўлганда ҳам шеърдаги барча фикр кўркамлиги мана шу юқоридаги икки сатр орқали берилган.

Шоир лирик қаҳрамонларининг кўнгли уфқлари кесксиз. Улар ўйдим-чуқур, эгри-бутри йўлларда алашган, қийин-қийин кистовли даврларнинг қумлиқларига қўмилиб, алғов-далғов, гўс-гўполонларда қўланкалари уча бошлаган тарих билан ҳам тиллашади, бугунги кунимизга қайтиб замондошларимизнинг кўнгли қуйларига қулоқ тутди. Шоир қалами ила ифодаланган бадиий образлар гўзаллик дунёсини янада сулувлантириб, муҳаббат деган тотли туйғуларни янада сирлаштиради.

Албатта, лирик қаҳрамон ортида шоирнинг «мен»и турганини ҳисобга олсак, улар тисмолида муаллифнинг инсоний хислатлари, ҳаётга қарашлари ифодаланганини англашимиз қийин эмас. Ижодкорга бундан кейин ҳам ўқувчилар кўнглидан жой оладиган, қирқлаш олами кенг лирик қаҳрамонлар яратиш йўлида самарали изланишлар ёр бўлишини талаб қиламиз.

Кувончбой ЎРАЗИМБЕТОВ,
филология фанлари доктори,
профессор
(Қорақалпоқ тилидан
М.РАҲИМОВ таржумаси.)

БАҲТ — БАҚО ДАРАҲАМИ
Ёзувчи эстетикасида маънавий-ахлоқий гоилар

қил этган маънавий-ахлоқий масалаларининг бир қирраси.

Иккинчи кутбни инсон шахсияти, феъл-атвори, сажияси билан боғлиқ масалалар ташкил этади. Хусусан, бойлик инсон бахтини белгиловчи мезон бўла олади; вақтичогли, турмуш-тирикчилик иқир-чиқирларидан холи хушнуд умргузаронлик одамлар бахтини белгиловчи асосий унсурлар бўлиши мумкинми? Ёҳуд, юпунлиқни, муҳтожликни, эҳтиёжмандликни бахтсизлик аломатлари деса бўладими? Ҳам маънавий етуқ, ҳам моддий мулкдорни бирдек тўқис одам дея оласизми? Халқимизнинг қорни оқ деб билан қорни тўқининг не парвойи бор ёки семизлиқни қўй қўтаради, деган ибратли гаплари бор. Шундай экан, беҳад бойликдан нафаси қисилган, зўриққан одамнинг

Инсоннинг ўзидан зурриёт қолдириши, оиласи, насл-насаби, томирларию шажара илдиэлари жисмоний нафс шохобчалари.

«Уйку келмас кечалар» романи мисолида фикр юритсак, у адибнинг эпик жанрдаги тўғич ва муваффақиятли изланиши. Асарда адиб ўз эстетик майлига содиқ қолган. Романда шахсий ва оилавий бахт масаласи, турмушнинг турли қўчаларига маънавидан кетган одамлар психологияси, дунёқараш, феъл-атвори ўрганилади. Адибнинг бадиий онгида фалсафий мушоҳадакорлик публицистик бўёқдорлик билан янги сифат белгисига намоён бўлади. Хусусан, роман хотиралар асосига қурилган. Яъни бош қаҳрамон Фахри Камолнинг севиғилиси Ёқутхонга битган мактубларидан ташкил топган. Фахри

боласи билан Фахри Камолга тектач, қўп насага эришади. Иқтисодий ноҳор аҳволини ўнглаб олади; янги ишга жойлашади, мавқеи қўтарилади. «...Сиз менинг шууримсиз. Сиз туфайли шуурим, онгим, билимим бойиб бормоқда. Сиздан маънавий озук олаяман... Сиз менинг бахтимсиз!», дейди у. Кутилмаганда эса Фахри Камолни икки хонали уйда ёлғиз ташлаб кетади.

Апоқ-чапоқ — ёлғиз ўчоқ бўлиб яшаш оилавий бахт учун қифоями? Борлик билан йўқлик қош билан қовоқ ораси мисоли экан; ана шу қиприк қокқунча кечган тирикликда инсон пешонасига нималар битилган? Ёруғ бахтли онларми ёки тахир қўз шумари? Тўғри, ҳамма ўзини оқил, доно, қўрқам, бахтга муносиб деб билади. Ҳеч қим ўзини ноқис қўрғулликка маҳкум, деб ўйламай-

Нўмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

ҚЎҚОН ХУНАРМАНДЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Бошланиши 1-саҳифада

— Ушбу фестивалнинг асосий мақсади номоддий маданий меросимиз бўлган кўп қиррали ўзбек миллий хунармандчилигини дунё ахлига кенг намойиш қилиш, унинг ноёб намуналарини тарғиб этиш, шунингдек, ушбу йўналишда ўзаро тажриба алмашиш



оркали турли халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришта-ларини янада мустаҳкамлаш, маданий-маърифий алоқаларни халқаро миқёсда кучайтириш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган касбий анъаналар ва хунармандчилик мактабларини сақлаш ҳамда қайта тиклаш иборатдир, — дейди Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази директори Азамат Хайдаров.

Қўқон азалдан миллий хунармандчилик маскани сифатида ном қозонган бўлиб, бу бокда қадриятлар авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Ёгоч ўймакорлиги, пичокчилик, қандакорлик, темирчилик сингари қадимий хунарларни ёшлар кунт билан ўрганоқда. Айни пайтда соҳани ривожлантириш, туризм йўналишларини

кўпайтириш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Масалан, шаҳарда хунармандчилик ва туризм мажмуаси қад ростламоқда. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, Ёшлар иттифоқи ва “Хунарманд” уюшмаси томонидан “Уста-шогирд: Қўқон тажрибаси” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

INTERNATIONAL FESTIVAL
OF HANDICRAFTERS
KOKAND - 2019

хунармандчилик мактаби устаси”, “Қадимий сулола давомчиси” ва “Қадимий хунармандчилик турини тиклаган хунарманд” бўйича баҳоланади.

Тадбир дастурида хорижий ва маҳаллий хунармандларнинг кўргазма-савдоси, кўрик-танловли, маҳорат дарслари, илмий-амалий конференция ҳамда фольклор-этнографик гуруҳларнинг чиқишлари, миллий либослар кўргазмаси, турли халқ ўйинлари, театр томошалари, анъанавий кураш, чавандозлик, кўғирчоқбозлар ҳамда маҳаллий дизайнерларнинг мода намойишлари, палов тайёрлаш, ўзбек анъанавий мусика ва раке концерт дастурлари ўтказилиши кўзда тутилган. Асосий тадбирлар Худойрхон ўрдаси ва унга туташ Қўқон шаҳридаги марказий истироҳат боғи ҳудудида бўлиб ўтади. Қўқон шаҳридаги марказий майдоннинг ён атрофида хунармандчилик санъатига оид турли кўргазмалар, хунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, қадимий хунармандчилик дастгоҳлари ва маҳсулотларини яратиш жараёнлари, соҳага оид бадиий ва ҳужжатли фильмлар, китоблар, альбомлар, фотоусуратлар намойиши ва уларнинг сотуви ташкил этилади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қўқон шаҳрида ҳар икки йилда анъанавий ўтказилиши кўзда тутилган халқаро хунармандчилик фестивали ўзбек миллий хунармандчилигининг ноёб намуналарини кенг миқёсда тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Нилуфар КАРИМОВА

Рамзия КАШАПОВА, Татаристондан ташриф буюрувчи гуруҳ раҳбари:

— Халқаро миқёсда таъкил этилаётган бундай йирик фестивалга таъкил этилганимиздан хурсандмиз. Бу бизга фахр бағишлаш билан бирга, зимма-мизга масъулият ҳам юклайди. Унча катта бўлмаган гуруҳимиз таркиби кўғирчоқлар устаси Ирина Зубцова, рассом-дизайнер Анастасия Бузунева-Шамова, рассом Елена Сайтбагина, Қозон Халқ амалий санъати техникуми директори Рушания Саубановадан иборат.

Фестивалда амалий санъат буюмларидан терига ишланган мозаика, муаллифлик хайкал кўғирчоқлар, заргарлик тақинчоқлари каби маҳсулотларини намойиш этмоқчимиз. Менинг ота-боболарим заргарлик санъати ва сопол буюмлар яшаш билан шугулланишган. Шу сабабли мазкур фестивалда катнашиш ўзим учун ҳам қизиқарли. Айниқса, сўнгги вақтларда кўргазма фаолияти билан шугулланаётганим сабабли бу каби фестивал ва кўргазмалар нафакат татар халқи санъати, балки дунё халқларининг замонавий амалий санъат ҳақидаги қарашларни тубдан ўзгартиришига ишонаман. Шарқ барча санъатлар бешиги эканини яхши тушунамиз. Шу сабабли мазкур фестивалда шунчаки буюмлар келтиришдан кўра, амалий санъат усталарининг замонавий технологиялар асосида ишлаган маҳсулотларини намойиш этишни лозим топдим. Албатта, барча ишлар амалий санъатнинг ўлмас анъаналари асосида яратилган.

Имкониятдан фойдаланиб, фестивал ташкилотчиларига таъкил учун ва таъкилий ишларини ҳал қилиш ишига тушуниб ёндошганлари учун миннатдорлик билдираман. Ушбу халқаро хунармандлар фестивали Ўзбекистоннинг кенг миқёсдаги нуфузли анжуманларидан бўлишини тилаб қоламан.

Шохрух ТЕМИРОВ, миллий ва тарихий либослар бўйича дизайнер, хунарманд:

— Халқаро хунармандчилик фестивалида Шаҳрисабз миллий либослари кўргазмаси билан катнашаман. Кўргазмам фестивалдаги энг қизиқарли намойиш бўлади, деган ниятдаман. Маълумотларга кўра, ўз даврида буюк Сохибқирон Амир Темур бобомиз ҳам кундалик турмушда миллий либосларни кийганлар. Шаҳрисабз миллий либосларида табиатнинг барча ранглари жиғиланади. Аждодларимиз заковати билан яратилган бу кийимлар шунчаки чиройли бўлишидан ташқари, жуда қулай ва ҳатто шифобахшлиги билан аҳамиятли. Масалан, ёрқин яшил ранг кўзга дам бериб, асабни тинчлантиради. Табиий толали либослар танани яйратади. Ёшим 27да, аммо бу хунар билан болалигимдан буён



ўзидан уч-тўрт катта ёш ўспиринлар билан юғришда пойга ўйнайди. Табиийки, анча кучли рақибларидан орқада қола бошлайди. Маррага яқинлашганда Темурбек бошидаги дўпписини марра чизиги томонга улоқтиради. Сўнгга қилиб қилиб талашиб бахшлашаётган ўспиринларга яқинлашиб: “Мен биринчи келдим!” дейди. Ўспиринлар: “Сен энди етиб келдинг-ку, болакай”, дея қулишади. Шунда Темурбек дейди: “Сиз оёқ билан юғуриб келдингиз. Маррага етганингизда менинг бош кийимим шу ерда эди. Айтинг-чи, бош улуғми, оёқми?”

Шу тарихда ёш Темурбек ўткир зехни ва тафаккури туфайли пойгада қолиб бўлган экан.


Энди айтинг-чи, марра томон улоқтирилган дўппи қандай бўлган? Бунинг учун фақат Шаҳрисабз гилам дўпписи керак!

Ф.ФАХРУТДИНОВА

САМАРҚАНД ЁҒДУСИ

Бошланиши 1-саҳифада

Вазир, шунингдек, фестиваль доирасида бўлиб ўтадиган тадбирларга кенг тўхтади. Асосий тадбирлардан бири 27 август куни бўлиб ўтадиган “Шарқ халқлари анъанавий мусика санъатини ривожлантириш истикболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференция бўлиб, унда чет эллик олимлар билан бирга юртимизнинг бир қатор таниқли олимлари қатнашади. Бир кун олдин, яъни 26 август куни Самарқандда ўтадиган “Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегиялари” халқаро анжумани ҳам фестивалнинг умумий гоёсига муштаракдир. Мазкур конференцияда ЮНЕСКО бош директори Одрэ Азуленнинг иштироки кутилмоқда. Фестиваль танлови хорижий иштирокчиларининг Самарқанд шаҳри ҳамда туманлар маданият масканларидаги концерт дастури барчани бирдек қизиқтиради, деб ўйлаймиз. Бу йил Регистон майдони атрофида республика миқёсдаги вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари ҳам ўз санъати, маданияти, анъаналарини намойиш этишлари учун жой ажратилади. Бундай жойларда кичик сахналар ўрнатилиб, турли кўргазмалар ташкил этилади.



Шубҳасиз, мукофотлар миқдори қўпчиликини қизиқтиради. Фестивалнинг Гран-при соҳиби 10.000 АҚШ доллари миқдорида, иккита биринчи ўринга 5 мингдан, иккита иккинчи ўринга 3500 мингдан, учта учинчи ўрин эгаларига 2 минг АҚШ доллари миқдорида мукофотлари берилади. Шунингдек, “Энг ёш иштирокчи”, “Муҳлислар эътирофи” сазовор бўлган энг яхши иштирокчи”, “Энг яхши чолғу ижроси” каби йўналишларда қилинган махсус диплом ҳамда 500 АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу галги фестивалнинг тантанали очилиш маросими алоҳида кўриниш касб этиши кутилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигидаги гуруҳ бу борада сўнгги ишларини якунига етказмоқда. Меҳмонларни қутиб олиш, жойлаштириш, уларга таржимон, йўл бошловчи ажратиш, транспорт хизмати кўрсатиш ва бошқа ташкилий ишлар билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ўн иккинчи “Шарқ тароналари” халқаро фестивалини юксак савияда ҳамда кўтаринки руҳда ўтказиш учун барча имкониятлар сафарбар этилган.

Г.УМАРОВА

РЕЖИССЁР ВА СЦЕНАРИЙ: МУАММО НИМАДА?

Ўтган асрда ижод қилган кино усталари машҳур адабларнинг пьеса, хикоя, қисса ва романларини экранга кўчиришди. Ёзувчилар яратган сценарийлар асосидаги фильмларни бугунга қадар севиб томоша қиламиз. Уларнинг барчасида сценарийнинг ўрни яққол сезилиб туради. Ҳозир сценарийлар матнлари билан танишсангиз, бирида ремарка керагидан ортик, баъзида умуман йўқ. Баъзилар, антик даврда яратилган пьесаларга ўхшайди. Баъзи сценарийлар новелла услубида ёзилган бўлиб, уни олдий хикоя ўқигандек ўқийсиз. Бошқаларида эса ҳамма нарса иппидан-иптасигача ёзилади. Ҳар бир кадр матнга муҳриланган. Лекин бу услуб фильмни суратга олишни қийинлаштиради. Режиссурада ҳам ахвол қўнғилдагидек эмас. Зеро, икитдорли режиссёр ҳар куни туғила-вермайди. Ҳозир режиссёрман деганларнинг аксарияти ўзбек адабиётини деярли ўқимаган, Ватан тарихини ўрганмаган. Шу боис халқимизнинг яқин ўтмишдаги феъл-атвори, ҳаёт тарзини аниқ тасаввур қилолмайди. Аксар ҳолларда режиссёрлар тасдиқланган сценарийни истаганларича ўзгариб, бир амаллаб юмалоқ-ёстик қилишади. Натижада фильмнинг жанри, хикоя қилиниш тарзи, қаҳрамонлар сиймолари бузилади. Кино санъатида жанрларнинг ҳад-худуди йўқ. Лекин яхлит асар жанр ва таъжир услубидаги бир оқимда суратга олинади. Жанрдан жанрга сакраш бачканаликка сабаб бўлади ёки суратга олинган фильм кўришга яроқсиз ҳолга келиб қолади.

Сценарий муаллифининг асосий вазифаси, менингча, мустаҳкам мантис асосига қурилган хикоя яратиш. Фильмдаги биттагина мантисиз ҳаракат ёки сўз яхлит асарни бузади ва кадр-кимматини туширади. Биз европалик танқидчиларга эргашиб, Болливуд маҳсулотлари бўлиши ҳинд кинолари устидан қулишга ўрганишимиз. Лекин дунё халқлари билан киносини севиб томоша қилади. Гарчи хис-туйғу ва ҳодисалар ўта бўрттириб, бадиийлаштириб юборилса-да, аксар томошабинларнинг меъдасига тегайди. Чунки фильм қурилмаси мусикий комедия ва мелодрама жанрига асосланган. Бу каби фильмлар, асосан, томошабиннинг дам олишига хизмат қилади. Голливуд кино сановатида ҳам мистика, фантастика, жанговарлик, тарих ва деярли барча йўналишларда фильмлар олинади. Бу фильмларнинг аксари жиддий йўналишда бўлишига қарамай, муаллиф фантазияси билан асар тубига турли сирли жумбоқлар яширишган. Асар сценарий пайтида ёқ ижодкорни ўйлашга, ҳайратланишга ундайди. Уларнинг меҳнат маҳсули савияси ҳиндларникидан юқори, албатта. Ҳар бир эпизод, бир эмас, икки-учта мазмун-моҳиятни ўз ичига олади. Шунинг учун томошабин залда ўтирса ҳам экран ичида яшайди.

Бир мутахассис телемунозарарада сўз олиб, “Биз ҳинд киноси даражасига

тушиб қолдик, илтимос, шунини тўхтайлик”, деган маънода фикр билдирди. Агар биз ҳинд киноси даражасида бўлсак, қани ўша кинодаги тасвирлар, портрет, пейзаж, қуй-қўшиқ, юмор ва қўзғалғинга бой драма? Бизнинг фильмларда ғайритабиий оҳанг, мантисиз диалоглар кўп. Тасвир кизик воқеадан бошланиб, кейин совий бошлайди. Охирида иккита ақли гап билан, саундтрек ёрдамида тугайди. Ёмон деб баҳо берилаётган ҳинд фильмлари эса аста-секин бошланиб, босқичма-босқич кизиб боради, воқеалар қизғайишиб, қандай ечим билан тугатилиши ҳаёлга келтириб бўлмайди.

Бизнинг фильмларда кўпинча ҳамма нарса олдиндан аён. Ачинарлиси, премьераларда ўтириб, таниш воқеаларга гувоҳ бўласиз. Диалогларни ҳам, воқеаларни ҳам, актёрларнинг ролларини ҳам қайсидир фильмда кўргандексиз. Воқеа ривожланишида узлуksизлик йўқ. Кераксиз эпизодлар вақт

ни хоҳлайди. Бу ҳол плагиат дейилган жиноят сари очилган равоғина йўл. Сценарийчи ноилж режиссёр айтган нарсани ёзиши, лекин кўчирмачиликка йўл қўймаслиги керак. Акс ҳолда катта жанжал юзага келади. Ниҳоят, асар битиб, режиссёрнинг қўлига ўтади. Орадан бир-икки ой ўтгач, режиссёрда янги фикр туғилиб, сценарий муаллифидан янги эпизодлар қўшиб беришни талаб қилади. Бир амаллаб янги эпизодлар қўшиб-қатिलाди. Ма-на шу нарса “туғлаб ёпиштирилган эпизодлар”, деб аталади. Асарни тўлик

ни хоҳлайди. Бу ҳол плагиат дейилган жиноят сари очилган равоғина йўл. Сценарийчи ноилж режиссёр айтган нарсани ёзиши, лекин кўчирмачиликка йўл қўймаслиги керак. Акс ҳолда катта жанжал юзага келади. Ниҳоят, асар битиб, режиссёрнинг қўлига ўтади. Орадан бир-икки ой ўтгач, режиссёрда янги фикр туғилиб, сценарий муаллифидан янги эпизодлар қўшиб беришни талаб қилади. Бир амаллаб янги эпизодлар қўшиб-қатिलाди. Ма-на шу нарса “туғлаб ёпиштирилган эпизодлар”, деб аталади. Асарни тўлик



ўтказиш учун ёпиштирилгани яққол сезилиб туради. Бунинг устига бир ярим соат сезиб турган воқеангиз қачон содир бўлишини қутиб ўтирасиз. Яна бу “экшен” услубида суратга олинган фильм.

Бугун киноиндустрияси нуксонларни йўқотиш учун сценарий муаммосини ҳал қилиш лозим, деб ўйлайман. Сценарийчи ёзувлардан иборат нарса эмас, мукамал лойиҳа сифатида қабул қилиш керак. Лекин сценарийчи нисбатан бундай тушунча бизда шаклланимаган. Масалан, режиссёр билан ишлаш даври сценарийчи учун азоб, режиссёр ўзи хоҳлаган нарсани ёзиб беришни талаб қилади. У асарнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб жанр танламайди. Сценарийчи ҳар бир қаҳрамоннинг хулқ-атвори, тақдир, жамиятда турган ўрни, юриш-туриши, сўзлашиш услуби, руҳий ҳолати ва ўзига хос қайфиятини ёлда турган ҳолда образлар яратади. Режиссёр эса қизиқарли эпизодлар керак. Унга қолса, қаҳрамон олдий чойини ҳам қандайдир бир “хунар” кўрсатиб ичса. Қаҳрамонлар тинмай югурса ёки бировнинг тумшугига туширса. Томошабинга шу керак эмиш. Ваҳоланки, томошабин фақат

ўз ҳукмига ўтказиб олган режиссёр аввал эпизодлар ўрнини алмаштиради, кейин қаҳрамонлар шаклини ўзгари-тиради. Кимнингдир тақлифи билан яна янги эпизодлар қўшади. Фильм суратга олингандан кейин икки ижодкор ҳам аёвсиз танқидларга дучор бўлади.

Шуниси ажабланишлик, муаллиф доимо моддий ва маънавий қўмакка муҳтож яшайди. Ваҳоланки, фильм айнан унинг ҳаёлот оламида туғилади. Янги олам қашф этиш учун ўқий-ёзиш ва фикрлаш билан банд. Режиссёрнинг вазифаси ана шу қашф этилган оламни экранда жонлантириш. Икки ижодкорнинг ҳам масъулияти оғир, лекин бу икки масъул шахс моддий ва маънавий сабабларга кўра тўлақонли ҳамкорлик қила олмайди. Аслида, ҳар бир ёзувчи ўз устида ишлади, сценарийчи бўла олади. Лекин ёзувчилик қобилияти йўқ кишидан сценарийчи яшаш мумкин эмас. Бу — алоҳида қобилият.

Шубҳасиз, айтилган танқидий фикрлар барча кино режиссёрларга тааллуқли эмас. Гап нима ҳақда бораётганини ўқувчининг ўзи англаб олади, деб ўйлаймиз.

Нурилло ҒОЗИЕВ

